



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 2 август, № 148 (4047)


Чоршанба

**АЗИЗ  
ПАХТАКОРЛАР!**

**Август суви —  
ғўзага бамисоли  
қон**

**Бугунги меҳнати-  
миз ҳосил тақди-  
рини ҳал қилади**

## Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдида



**ЎТМИШИ ШАРАФЛИ,**

**БУГУНИ САОДАТЛИ,**

**КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ ШАҲАР**

Ўтган ҳафта мамлакатимиз Президентининг «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Унда қадимий ва бой тарихи, бетақдор маданияти, юксак сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимиз ва маънавий-маърифатимизнинг кўнак бешиклигини билан бири бўлган, ноёб тарихий меъморий обидалар, муқаддас қадамжоларни ўз бағрида асраб-авайлаб келадиган Самарқанд шаҳрининг қутлуг санасини 2007

йилда Мустиқлик умумхалқ байрами билан боғлиқ тантаналар кунларида кенг миқёсда нишонлаш ҳамда юртдошларимиз, хусусан, ёш авлодни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида бажарилиши лозим бўлган ишлар кўлами белгилаб берилди.

Самарқанднинг тарихи қадимий ва бой эканлигига шубҳа йўқ. Буни англаш учун неча асрлар билан юзлашган маҳобатли ва мафтункор осори-атикаларга назар ташлашнинг ўзи kifof. Биргина Регистон ансамблини

олайлик. Бир-бирига монанд уч обидида — Улугбек, Тиллақори, Шердор медресаларидаги нақшлар жилолари ҳар қандай кишини сехрлаб қўяди. Улар қаршида қалб ҳайратга тушади, қўйсига сўз тополмайди.

— Ана шундай ғўзал шахримизнинг 2750 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Ҳуртбошимиз қарори қалбларимизни тўлқинлантириб юборди, — дейди меҳнат фахрийси Азиз Юнусов. — Биз биламизки, шўролар даврида тарихимиз сохталаштирилиб, ўтмишимизга, бетақдор маданиятимизга паст назар билан қаралар-

ди. Мана, энди ҳақиқат қарор топди. Кўҳна шахримиз яна жаҳон нигоҳига тушиб, бутун буй-бастини кўрсатадиган бўлди.

Аслида дунё аҳли қадимдан Шарқ деганда Самарқандни эслаган, унинг ғўзал боғлари, мовий гўмбазлари, бетақдор обидалари, илм-маърифатли ва хунарманд одамларини ҳаёлига келтирган. Кўҳна шаҳарга хос бундай хусусиятлар мустиқлик даврида янада ривож топди, янги-янги қирраларини жаҳонга кўз-кўз қилди.

(Давоми 3-бетда.)

## МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

Истиқлол туфайли хотин-қизларнинг маъқеани юксалтириш, давлат ва жамият қурилишида иштирокини янада фаоллаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилани мустаҳкамлаш ва фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалалар мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада юртимизда амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

истиқомат қилувчи аёллар ташкил этгани бу йилги спартакиаданинг яна бир ўзига хос жиҳатларидандир.

Таъкидлаш зарурки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда аҳолини, хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб қилиш борасида кўрсатилмаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик натижаси ўлароқ, вакилларимиз халқроқ миқёсдаги мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Жумладан, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида стол тенниси бўйича ўтган «Илк қалдирғоч» халқроқ турнирида мамлакатимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Ўзбек кураши, самбо, дзюдо каби спорт турлари бўйича ўтган халқроқ мусобақаларда 1500 нафардан ортиқ киз иштирок этиб, кўплаб олтин, кумуш ва бронза медалларни қўлга киритди.

Истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ўнлаб иқтидорли, сергайрат, фаол қизларга чинакам қанот бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда.)



## АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТНИНГ ЭРТАСИ НУРАФШОН

Бугунги кунда мазкур Фармон ижросини таъминлаш Республика Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Мазкур қўмитанинг ўз вақтида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар хотин-қизлар қўмиталарининг бу борадаги иш самардорлигини янада оширишга ҳизмат қилмоқда. Қўмита томонидан маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг билим ва тафаккурини бойитиш мақсадида ҳуқуқшунослар, диншунослар, олимлар, шифокорлар иштирокида амалий семинарлар, анжуманлар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Қўмита ташаббуси билан

ўтказилган «Аёл — баркамол авлод мураббийси» мавзусидаги кўрик-танловда маслаҳатчи аёлларнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-тиббий соҳадаги билими, ҳаётий муаммоларини ҳал этишга оид кўникма ва маънавий-ахлоқий тарбияни ўқитишда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар хотин-қизлар қўмиталарининг бу борадаги иш самардорлигини янада оширишга ҳизмат қилмоқда. Қўмита томонидан маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг билим ва тафаккурини бойитиш мақсадида ҳуқуқшунослар, диншунослар, олимлар, шифокорлар иштирокида амалий семинарлар, анжуманлар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Қўмита ташаббуси билан

фий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда аҳоли ўртасида мутахассислар иштирокида репродуктив саломатлик мавзусидаги машғулотлар мунтазам ташкил этилмоқда. Хар йили ёзи таътилда дам олиш масканларида ҳордиқ чиқарадиган болалар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Камқонлиқ, йод танқислиги, темир моддасининг етишмовчилиги каби хасталиқларнинг олдини олишга бағишланган ўқув-соғломлаштириш машғулотларини ташкил этиш ҳам яхши анъанага айланган.

Хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масаласи қўмитанинг доимий диққат эътиборида. Синхрон сузиш, теннис, бадий гимнастика каби спорт турлари

бўйича турли миқёсдаги мусобақаларнинг ўтказилиши хотин-қизларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Шу йил май ойида пойтахтимизда ўтказилган «Автолампаликсис» кўрик-танлови, июнь ойида Қарши шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи республика аёллар спартакиадаси бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Эътиборга молик жиҳати — спартакиаданинг якуний босқичида аёллар спортининг волейбол, стритбол, теннис, шахмат, шашка, арқан тортиш, сузиш каби турлари бўйича ўзаро беллашди. Мусобақанинг барча босқичларида ўтган йилдаги нисбатан беш юз минг нафардан кўпроқ аёл қатнашди. Уларнинг катта қисмини уй бекалари, чекка худудлардаги қишлоқларда

истиқомат қилувчи аёллар ташкил этгани бу йилги спартакиаданинг яна бир ўзига хос жиҳатларидандир.

Истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ўнлаб иқтидорли, сергайрат, фаол қизларга чинакам қанот бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

**Августдаги зарбдор меҳнат —  
пахтадан юқори ҳосил олиш гарови**

## СУРХОНДАРЁЛИКЛАР САБОҚ ЧИҚАРИШДИМИ?

ЎТган йили мамлакатимизда ПАХТА ҲОСИЛИ МЎЛ БЎЛДИ. ПАХТАКОРНИНГ БАҲОР, ЁЗ ОЙЛАРИДАГИ КАТТА МЕҲНАТЛАРИ КУЗГА КЕЛИБ КАТТА БАЙРАМЛАРГА — ҲОСИЛ ТҮЙЛАРИГА УЛАНИБ КЕТДИ. ФАҚАТ... СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БУ ТҮЙЛАР ДАВРАСИГА КЎШИЛОЛМАДИ. ШАРТНОМА РЕЖАСИНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ОЗ ЭМАС, 62 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ЕТМАЙ ҚОЛДИ. ДАЛАСИГА ЧИГИТ ЭККАН 14 ТА ТУМАННИНГ 8 ТАСИ ҚОЛОҚЛИККА ЮЗ ТУТДИ. ЮРТИМИЗ ЖАНУБИДА ЖОЙЛАШИБ, ҲАМИША ЭРТА ХИРМОН ТҮПЛАБ КЕЛГАН СУРХОНДАРЁЛИКЛАРГА НИМА БЎЛДИ ҲАМ, ДЕБ ОДАМЛАР ҲАЛИ-ҲАЛИ АЖАБЛАНАДИЛАР. АЛБАТТА, ҲЕЧ БИР НАРСА САБАБСИЗ БЎЛМАЙДИ.

Шартномани бажармоқлари учун воҳа пахтакорларининг измида ҳамма имконият бор эди: сув ҳар қачонгидан мўл бўлди. Ўғит, ёнилғи ва бошқа ресурсларни деҳқон таъминот идораларидан ўзи сўраганича олди. Бирок, бултурги июль ойининг ўрталарига келиб Термиз, Ангор, Музробод, Жарқўрғон, Қизирик, Шеробод, Бандихон ва қисман Қумқўрғон туманларида айрим синчи деҳқонлар ғўза энгил ҳосил олганини сезиб қолдилар ва зил кета бошладилар. Мажлисларда бўлса, «Ҳаммаси яхши бўлди», «бир режа бўлса, қойиллатамиз», деган хитобларнинг янграши давом этверди.

Ишни ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Ўтган йили чигит эккан 5518 фермер хўжалигининг 2 мингдан кўпроги ер чизиб қолди. Бу фермер хўжалигини ташкил этишдаги танлов жараёнларининг ноҳилс ўтганидан, пировардида аҳолининг бузилиши одамлар кайфиятига таъсир қилганидан далолат эди.

Масалан, Қизирик тумани олинган. Шартнома ни олинган, амалда бирон миқдор ҳам пахта етиштирмаганларга туман ҳокимлиги чора кўрмади. Бултурги кизирикликларнинг «оқ олтин» етиштириш бўйича шартнома режаси 58 фоизда қолиб кетди. Мамайтгани билини қолаверди. Юқори идоралардан туртки бўлмаганга қадар бундай тутум давом этверди.

Оқибатини кўриб турибсиз. Йилига 35 минг тонна пахта етиштириши лозим бўлган туманининг аграр тармоғи жар ёқасига келиб қолди. Афсуски, шунга яқин ҳолатлар бошқа туманларда бўлмади, деб айта олмаётган.

Оқибатини кўриб турибсиз. Йилига 35 минг тонна пахта етиштириши лозим бўлган туманининг аграр тармоғи жар ёқасига келиб қолди. Афсуски, шунга яқин ҳолатлар бошқа туманларда бўлмади, деб айта олмаётган.

СССР парчаланиши натижасида пайдо бўлган Марказий Осиёнинг янги мустиқ давлатлари орасида Ўзбекистон энг кўп сонли аҳолига эга бўлиб, стратегик жиҳатдан ўта муҳим аҳамият касб этди. У минтақанинг барча мамлакатлари билан чегарадош. Қўшни давлатлар билан умумий тарихий хусусиятларга эга бўлган ҳолда Ўзбекистон улар орасидаги стратегик кўприк вазифасини ўтайди. Бой табиий захираларнинг мавжудлиги ҳам муҳим омилдир.

Бир қутбли дунё шароитида жаҳон ҳамжамиятида таълиқнинг янги манбалари ва янги таҳдидлар, жумладан, террорчилик пайдо бўлаётган бир пайтда айрим мамлакатлар юзга келган вазиятдан ўзининг сиёсий манфаатлари ва стратегик мақсадларига эришиш йўлида фойдаланмоқда.

маймиз. Хўш, бултурги нуқсонларни тақдорлашмаслик учун не чорау тадбирлар қўлланилапти? Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдиназар Раҳмоновнинг айтишича, 123 минг гектарда парваришланмаётган «Бу-хоро-6», «Наманган-77», «Термиз-31» навли ғўзалар ривожининг умумий ҳолати ёмон эмас. Чекананинг унча-мунча чаласи бор демасак, бу иш ҳар қачонгидан барвақт адо этилди. Одамлар, кўлтиратвор, қўйингки, ғўза парвариши учун нима зарур бўлса ҳаммаси — далада. Экинни асад сувида қондирмоқ учун кунига 260-271 метр куб оби ҳаёт далага оқизилмоқда. Зараркундан ҳашаротларга қарши ҳам кимёвий, ҳам биологик усуллар ишлов берилмоқда. 85 та биологаторияда фойдали ҳашаротлар кўпайтирилмоқда.

Фермер хўжаликлари қайтадан галвирдан ўтказиб чиқилди. Керакли маблаг — ресурслар билан уларни таъминлаш таъин ҳам тақомиллаштирилди. Шеробод туманида қишлоқ хўжалик экинлари зараркундандаларига қарши курашининг яхлитлаштирилган тизими яратилди. Фермер, масалан, «Даламда қандай ҳашарот бор?» «Захарли химикатни ё уни далага пурқайдиган тракторни қаердан топаман?», деб алағда бўлмайди. Бу ишни жойларда шакллантирилган отрядлар бажаради. Ер эгаси бўлса далада зўғига тегишли юмушларидан чалгимасдан ишлайди.

Қизириклик пахтакорларнинг вакиллари бўлса қўрилларда, биз ҳам улардан қолишмай ишлаймиз, деган ният билан деновулик, сариосиёлик ҳамкасбларининг ишларини бориб кўридилар. Ва кўп тажрибаларни ўрганиб қайтидилар.

(Давоми 3-бетда.)

## ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДАГИ ҚАТБИЯТ

31 июль куни Туркиянинг «Жумҳурият» газетасида машҳур эксперт, Туркия стратегик таҳлил маркази раҳбари Али Колебейнинг «Ўзбекистондаги ислохотларнинг бориши», деб номланган ва «Каримов ўлим жазосини бекор қилди», деган тағ сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Умуман олганда, мақолада гап фақат бу ҳақда кетмайди. Қуйида унинг таржимасини бироз қисқартирган ҳолда эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Террорчиларни «меники» ёки «сеники» тамойилига асосланган ҳолда таснифловчи давлатлар бу бало уларнинг ўзига урмагунча унга қарши курашмайди. Аксинча, ўз мақсадлари йўлида гоҳида уларни қўллаб-қувватлайди ҳамда гиж-гижлаш билан шуғулланади.

Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатда четдан молиялаштирилувчи турли уйлари ташкиллаштиришга қарши турмоқда, «демократия барпо этиш» шорлари никобидagi ташкилотларнинг фаолиятига чек қўймоқда. Шу билан бир вақтда ўзбек халқининг турмуш тарзини яхшилашга йўналтирилган иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий соҳалардаги ислохотларни амалга оширишга қодир эканини намойиш этаяптир. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти таркибига кириб, Ўзбекистон аъзо давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга муваффақ бўлиб, ушбу ташкилотда марказий уринлардан бирини эгаллаб турибди.


Танланган дунёвий тараққиёт йўлининг тўғри эканига тўлиқ ишонган Ўзбекистон халқи ўз манфаатларини ҳеч қайси давлатдан чўчимаган ҳолда қатъий ҳимоя қила олишини намойиш этди. Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг қатъий тизими жуда муҳимдир. Унинг бу хусусияти яқинда нашр этилган «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобида ҳам ўз аксини топди. Бошқача айтганда, Президент Ислам Каримов ўз мамлакатни ва халқининг манфаатларини ҳимоя қилувчи раҳбардир.

(Давоми 2-бетда.)

## АВБАТДАГИ СОНЛАРДА



**ПАХТАКОРНИНГ  
МАСЪУЛ  
ДАМЛАРИ**



**СУВТЕКИНГА  
СОТИЛГАН  
БИНОЛАР**  
ва уларни нафс йўлида  
пуллаган учарлар  
ҳақида



**ХОРАЗМДА  
ФУТБОЛ  
РИВОЖЛАНАДИМИ?**



Олтин ёз — ўтмоқда соз

Мироқдаги «Лочин» болалар оромгоҳи ҳақида кўп эшитганмиз. Унинг Ҳисор тоғ тизмалари этагида жойлашганиги, Окдарёнинг тошдан-тошга урилиб оқдиган зилол суви, 15 гектарлик соя-салқин боғли ҳудуди аввалдан тилга тушган.



«Лочин»нинг парвози

Биз яқинда оромгоҳда бўлиб, у ердаги ижобий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларидан хайратга тушдик.

— Масканимиз Шўртан газ-кимё мажмуаси тасарруфига ўтгандан кейин бутунлай қайта қурилди, — дейди болалар оромгоҳи директори Исмаилов Тўрақул. — Бугунги кунда 14 та ётоқхона, ошхона, спорт майдонлари, сузиш ҳавзалари, умумий тадбирлар ўтказиладиган марказий майдон тўлиқ жиҳозланган. 7 хил замонавий аттракцион ўрнатилган. Бу йил яхшигина ҳайвонот боғи ҳам ташкил қилдик. Унда ҳатто Африка шери ҳам бор.

Бу ерда асосан Ғузур туманининг чўл қисмида жойлашган Шўртан газ-кимё мажмуи ходимларининг фарзандлари ором олишмоқда. Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ҳар гал Қамаш мейдонлик уйдан 50 нафар, кам таъминланган оилалардан 100 нафар бола қабул қилинади. Хозиргача дам олган 200 нафар бола бир сизра кийим-бош билан таъминланди. Хордиқ чиқарувчилар мавсум охиригача тўрт марта алмашди. Хомийлик тадбирлари эса давом этаётти.

«Лочин» Шўртан газ-кимё мажмуининг иқтисодий имкониятларига таяниб, парвозни ана шундай баланд олди. Бундан истиқболимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз беҳад мамнун.

Б.НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: оромгоҳ ҳайвонот боғи. Хамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

СУРХОНДАРЁЛИКЛАР САБОҚ ЧИҚАРИШДИМИ?

(Давони. Боши 1-бетда).

Лекин бу, тўғриси, ғўза парвариши ишлари Сурхондарёда бугун рисоладагидай ўтказилган, дегани эмас. Қизиқдаги 90 гектар ерга чигит эккан «Ихтиёрбек Темиров» фермер ҳўжалигидагилар сув таъминоти ёмонлигидан экинни суғоришни кўнгилдагидай амалга оширолмаётганликларини айтиб қолдилар. Ваҳоланки, «Сурхон-Шеробод» ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Нормурод Ҳўжамқуловнинг айтишича, туман меъёр даражасида сув билан таъминланмоқда. Бирок, ёмон, сув исроф қилинган. Масалан, тумандаги далалари коллектор ва зовур киргоқларида жойлашган «Семурғ», «Ғанишер Урол», «Жовбуриев Илёсбек», «Ортиқ бобо», «Йулбоши», «Рабатак», «Урмон Эгамбердиев» сингари ўнлаб фермер ҳўжаликлари сувдан палапартиш фойдаланганлари оқибатида мактабларга, аҳоли уй-жойларига хавф солувчи жарликлар ҳосил бўлган. Бундай ҳолатлар Шеробод, Музработ туманларида ҳам кузатилади.

Кизирик туманидан Сайфи Жабборов деган фермер, туман ўсимликларни химоя қилиш отряди бошлиғи М. Мардаев амалий ёрдам бериш ўрнига турли важар билан ғўза кўзгаб турганини айтиб қолди. Биз эса, бундан илгарироқ отряд идорасига бориб, ярим кун қараб ҳам мутасаддиларни тополмаган ва уларнинг қаерларда юрганини билмаган эдик. Шунга ўхшаш ҳолатлар кўп такрорлангани сабабми, ҳокимлик отряд бошлиқлигига бошқа бировни — Мардаевни таъинлаганди. Шундай экан, ҳосилга хашарот хавф солиб турган ҳозиргидек долзарб паллада Мардаев ҳам, Мардаевлар ҳам ишлаши керак-да, ахир.

— Умуман, зараркунанда хашарот ташвиши бошимизни қотиряпти, — дейди Кумқўрғондаги «Нодирбек» фермер ҳўжалиги бошлиғи Махам Хўлигов. — Зараркунанданинг тури кўп. Қарши воситалар ҳам оз эмас. Фақат уни йўқотишнинг изчил тизими йўқ.

Қобилоннинг айтганлари кўпчиликнинг тили учиди гап. Ангорлик, жарқўрғонлик фермерлар ҳам зараркунандаларга қарши бор ҳаракатларини қилиб ҳамки талай майдонларда ҳосилни ўргинчакханага бой бердилар. Биологик ва кимёвий кураш усулларида ўзаро мутаносиблик этишмаётган кўринди. Ғўзага кимёвий ишлов бераётганларни

(Давони. Боши 1-бетда).

Истеъдод соҳибларига кенг имтиёз ва имконият яратётган маъруза давлат мукофоти дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакатда учрамайди. Қўмита ташаббуси билан жорий йилда Зулфия номидаги давлат мукофоти учун бўлиб ўтадиган танловлар самарадорлигини ошириш мақсадида Халқ

костоннинг иқтидорли қизлари захираси» электрон маълумотлар базаси яратилди. У юртимиз умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хўнар таълим даргоҳларида билим олаётган ўн бир миң нафардан ортиқ истеъдодли қизнинг ижоди ва фаолияти, қизиқиши, интилишларига оид барча маълумотларни ўзига қамраб олгани билан

АЁЛИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТНИНГ ЭРТАСИ НУРАФШОН

таълими вазирилик, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Урта махсус, касб-хўнар таълими маркази билан ҳамкорликда кўшма дастур ишлаб чиқилиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хўнар коллежларида шу асосда иш олиб борилди.

Таҳлиллар натижасига кўра, 2004 йилда беш миң нафарга яқин қиз Зулфия номидаги мукофотга даъвогарлик қилган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич ўн миң нафардан ошди. Жорий йилда таълим масканларида ўтказилган танловда эса икки миллион нафардан ортиқ ўқувчи қиз иштирок этгани мукофотнинг ёшлар ўртасида нуфузи ва макъе тобора ортиб бораётганидан далолат. Мукофотга даъвогар қизларнинг муайян йўналиш бўйича билим билан бирга иқидий салоҳияти, фикрлаш даражаси, сиёсий жараёнларга муносабатига ҳам алоҳида эътибор қаратиляётир.

Олиб борилган ишлар натижаси ўлароқ, «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тегишли вазирилик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш, таълим соҳасидаги ислохотларни самарали амалга оширишига хисса қўшиш жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокчини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш кўчатириш борасидаги бундай кенг қамровли ишларни изчил давом эттирмоқда.

У.А.



атта, маданият ва тараққиётга эътибор, тинчликни қадрлаш каби қадриятлар Самарқанд заминидан неча миң йиллар мобайнида ривожланиб келган.

— Қўларимга ишонмагман, — деган эди завоқ билан фестиваль иштирокчиларидан бири корейлик Янг Тэ Ю. — Дунёнинг

миз Президенти Ислам Каримовнинг иштирок этиши, соҳибқирон хайкалининг очилиш маросимида шаҳар байроғига биринчи рақамли Амир Темуру орденни қадаб қўйганлиги яна бир тарихий воқеа эди. Айнан уша кундан буён шаҳарда 18 октябрнинг «Самарқанд кўни» сифатида



ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУГУНИ САОДАТЛИ, КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ ШАҲАР

(Давони. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз ташаббуслари асосида ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг узийёқ ана шу фикрнинг исботи, албатта. Бу нуфузли анжуман инсонларни ғўзаллик, нафосат ва эзуғликка даъват этиш, дунё халқларининг ноб муносиқий мероси ва аъёнларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, миллий қадриятлари рангбаран бўлган турли милли ва элларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришда беқиёс аҳамиятга эга.

Бу гоиянинг таъсирчан ифодаланиши учун ўзбек халқининг ўлмас маънавий қадриятлари, тинчлик, дўстлик, инсоний қомиллик ҳақидаги орзу-интилишларини юксак пардаларда қўйлаб ўтган болаларимизнинг умумбашарий қарашлари асос қилиб олинди. Бундан англандики, Шарқ халқларига хос бунёдкорлик, санъ-

кўплаб мамлакатларида бўлганман. Лекин бундай йиллик тадбирлар камдан-кам давлатларда ўтказилди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганига озгина фурсат ўтганига қарамай, беқиёс аъёнлари, урф-одатлари, мана шундай нуфузли фестивали орқали ҳам дунёга ўз сўзини айтаяпти.

Самарқанднинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида улкан хиссаси борлигини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Негаки, бу қадим юртдан не-не буюк алломалар, олиму фузалолар етиш чикқан. Бу ўлкада фан, маданият, санъату хўнармандчилик ривожланган.

Самарқанд номини бутун жаҳонга машҳур қилган Амир Темурунинг 660 йиллик юбилейи тантаналари ҳақиқи равишда ана шу қадимий шаҳарда ўтказилганди. Айнан уша кунда буюк саркарда мустақиллик туғайли бизга қайтди, озодлик даврида янада яшнав, янада ғўзаллашиб бораётган сеҳрли шаҳарга мағрур бокди. Тантаналарда мамлақати-

нишонлангани-чи? Кейинги йилларда шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди кетди. Бунёдкорлик, ободончилик ишлари бир зум бўлса-да, тўхтаган эмас.

2004 йилда «Тошбош-план» ЛИТИ лойиҳа институти томонидан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган бош режаси Президентимиз тақлифлари асосида ишлаб чиқилганди. Айни пайтда маъруз бош режа асосида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жадал олиб борилаяпти. Жумладан, 2004 йилнинг иккинчи ярмида Регистон майдони ва унга туташ бўлган ҳудудлар қиёфаси бутунлай ўзгарди. Бу ердаги кўримсиз савдо шохобчалари, пасткам бинолар ўрни давр руҳига мос равишда ободонлаштирилди. «Чорсу» тарихий биноси шарқона аъёнларга монанд қайта таъмирланиб, унда расмлар галереяси ташкил қилинди.

Барчага маълум, Регистон ансамбли — Улугбек,

Тиллақори, Шердор мадрасалари атрофида кўримсиз бинолар кўп эди. Бу эса уларнинг салоботига путур етказарди. Бугун эса қадимий ёдгорликларимиз тева-рак-атрофи ўзгача. Игна баргли дарахлар, қўқаламзорлаштирилган майдонлар, гулзорлар, тунги ёритгиллар, фаворалар Регистон манзарасини бутунлай ўзгартириб юборган.

Регистондан Шохи Зинда мейморий ёдгорлигигача. Мотуридий аниёратгоҳига бўлган масофаларда ҳам айнан шундай ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Энг қувонарлиси, Вазирилар Маҳкамасининг махсус қарори асосида Шохи Зинда ёдгорлик мажмуасининг тўлиқ реставрация қилингандир. Зияратгоҳда қисқа вақтда жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Бош буюртмачи сифатида ташкил толган «Шохи Зинда» жағмарчасига хомийлар маблағ ўтказишда ҳоҳиятларини аямаллар. Маданият ва спорт ишлари вазирилик қошидаги Маданий ме-

рос объектларини сақлаш ва уларни реставрация қилиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси томонидан республикадаги энг моҳир усталар жалб этилди.

Илгари Шохи Зинда атрофида транспорт қатнови ниҳоятда тигиз эди. Йўл, унинг ҳар икки тарафида майда-чўйда савдо дўконлари бор эди. Шаҳар бош режаси асосида ана шу дўконлар олиб ташланди, ён-атрофдаги «Кечки бозор» бошқа жойга кўчирилди. Шу тариқа йўл икки бараварга кенгайтирилди.

Хуллас, бугун қадимий Самарқанднинг ҳар бир ғўшасида ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Мустақилликнинг ўн беш йиллигига қизгин хозирлик кўраётган самарқандликларнинг кўҳна шаҳарларининг ана бир кутлуғ байрами нишонланишидан қалблари қувонгача тўлган. Ва бу қувонч уларни янги-янги яратувчанликка ундамоқда.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Танлов савдосида қатнашиш учун таклиф

Сана — 2006 йил 2 август  
Қарз № — 1903-UZB  
Шартнома № — D22 – Беруний. «2 СТИ (сув тақсимлаш иншооти) ва мажмуасини қуриш»

- Ўзбекистон Республикаси томонидан «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш учун Осие Тараққиёт банки (ОТБ) дан қарз маблағи олинган ва ушбу қарз маблағининг бир қисми D22 – Беруний. «2 СТИ ва мажмуасини қуриш» шартномаси бўйича тегишли тўловларни амалга оширишга мўлжалланган. Танлов савдоси ОТБга аъзо давлатларнинг тендер савдосида иштирок этишни хоҳловчи компаниялари учун очилди.
- ОТБ лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириш гуруҳи («Буюртмачи») савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларни Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2 СТИ ва мажмуаси («объект»)ни қуриш бўйича ўз таклифларини муҳрланган ва елимланган ҳолда тақдим этишга таклиф этади.
- Савдода қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган, қизиқиш билдирган иштирокчилар буюртмачининг қуйида кўрсатилган манзилида қўшимча маълумотлар олишлари, танлов ҳужжатларини кўриб чиқишлари ва сотиб олишлари мумкин:

Қорақалпоғистон Республикаси,  
Нукус шаҳри, Татибаева кўчаси, 5-уй,  
ОТБ лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириш гуруҳи,  
гуруҳ раҳбари — Нурмуҳамедов В. Т.  
Телефон: (361) 222-74-72.  
Факс: (361) 222-74-93.  
Электрон почта: sultanshakh@mail.ru

- Танлов ҳужжатларининг рус ва инглиз тилидаги нусхаси буюртмачи номига ёзма равишдаги ариза ҳамда 150 000,00 сўм ҳажмидаги қайтарилмайдиган йиғим тўланганидан сўнг берилади. Маблағлар пул ўтказиш йўли билан қуйидаги банк реквизитларига тўланиши лозим:

Банк номи	— ДАТБ «Асака» Қорақалпоғистон филиали
МФО	— 00625
Ҳисоб рақам номи	— ОТБ лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириш гуруҳи
Ҳисоб рақами	— 20296000804306535004
ИНН	— 204714012

Танлов иштирокчилари танлов ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини юқорида кўрсатилган аниқ суммани буюртмачининг ҳисоб рақамига ўтказганларидан сўнг олишлари мумкин.

Барча танлов таклифлари шартнома қўйиматининг 2% дан кам бўлмаган миллий валюта ёки унинг АҚШ доллар эквивалентига тенг бўлган миқдордаги банк қафолати билан бирга буюртмачининг манзилига 2006 йил 15 сентябрь соат 16.00 га қадар тақдим этилиши лозим. Кеч олиб келинган танлов таклифлари қабул қилинмайди. Таклифлар қатнашишнинг вакиллари иштирокида топшириш муддати тугаган заҳоти очилади.

Invitation for Bids

Date: 2 August, 2006  
Loan №: 1903-UZB  
Contract №: D22, Beruni. Construction of 2 WDC (Water Distribution Center) and networks in the Republic of Karakalpakstan.

- The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) towards the cost of Western Uzbekistan Rural Water Supply Project and it intends to apply part of the proceeds of this loan to eligible payments under the contract D22, Beruni, Construction of 2 WDC and networks. Bidding is open to all bidders from eligible source countries of the ADB.
- The ADB Project Implementation Unit for the Republic of Karakalpakstan ("the Employer") invites sealed bids from eligible bidders for the construction of 2 WDC and networks in Beruni district of the Republic of Karakalpakstan ("the Works").
- Interested eligible Bidders may obtain further information from, inspect and acquire the bidding documents, at the office of the Employer, at:

Nurmukhametov V.T., Head of ADB Project Implementation Unit (PIU) for the Republic of Karakalpakstan  
5, Tatybaev Street, Nukus city, Republic of Karakalpakstan  
Email: sultanshakh@rambler.ru  
Tel.: (361) 222 74 72  
Fax: (361) 222 74 93

- A complete set of bidding documents in Russian and English languages may be purchased by interested eligible bidders on the submission of a written application to the above office, upon payment of a nonrefundable fee of UZS 150 000 by the method of bank transfer.

Bank: SJSCB "Asaka", Karakalpakstan Branch  
MFO: 00625  
Acct name: ADB PIU for the Republic of Karakalpakstan  
Acct No.: 20296000804306535004  
TIN: 204714012

Complete set of bidding documents will be available to the bidders only after receiving the exact amount above in Employer's account.

- All bids must be accompanied by a security of equivalent to not less than two percent of the estimated contract price in Uzbek Soums or equivalent in US dollars and must be delivered to above mentioned address, at or before 4:00 p.m. on September 15, 2006. Late bids will be rejected. Bids will be opened immediately after the deadline in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at the address above.

Ушбу жойда Сизнинг рекламangиз бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама БИЗНИСИНГ ИШИНИ ҚўЛАБ ҚУВАЙТИРАЙМИЗ! Сизни қуйидаги мазолада қўшимча: Тошкент ш., Метеллоучилар к., 32-78, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 122-10-43. E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

**Карор ва ихро**

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, фарзандларимизга мукамал билим бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бунинг ёрқин намуналаридир. Иқтидорли ёшларни олий ўқув юртига қабул қилишда тест синовидан ўтказиш адолатли ва мақбул усул эканини даврнинг ўзи исботлади.



# ТЕСТ СИНОВЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

**Кеча мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртида абитуриентлар талабалikka қабул қилиш бўйича тест синовларини топширдилар**

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида тест синовларига жиддий тайёргарлик қўрилган — биолар ва аудиториялар талаблар даражасида жиҳозланиб, малакали назоратчилар билан таъминланганининг гувоҳи бўлдик.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, «Хомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг ҳаётга жорий этилиши тиббиёт ходимлари меҳнатининг ҳар томонлама рағбатлантирилишида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур олий ўқув юртида педиатрия иши, тиббий педагогика, олий маълумотли ҳамшира йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Институтга бу йил бакалаврият йўналиши бўйича икки минг нафар йигит-қиз хужжат топширган бўлса, режага кўра уларнинг 420 нафари талаба бўлади.

Институт қабул комиссияси масъул котиби Нуриддин Тоировнинг таъкидлашича, бу йил мазкур олий ўқув юртига кириш истагини билдирган ёшлар сони одатдагидан анча — салкам 400 нафар кўп бўлган. Институт ҳовлисида ўрнатилган махсус

монитор абитуриентлар ва ота-оналарга қабул шартларини муттасил кузатиб бориш имконини берди.

Бугун ҳаётимизни ахборот технологияларисиз тасаввур этишимиз қийин. Мамлакатимиз раҳбарининг 2005 йил 28 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида» ҳамда 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент Ахборот техно-

логиялари университети Марказий Осиёда мазкур соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган йirik олий таълим даргоҳларидан. Университетнинг Қарши, Нукус, Самарқанд, Фаргона, Урганч каби шаҳарлардаги филиаллари ўтган йили илк талабалар учун ўз эшикларини очди.

— Ёшларимиз ўртасида ахборот-коммуникация технологияларига қизиқиш тобора ортмоқда, — дейди университет ректори Содикжон Қосимов. — Университетимизнинг бакалаврият йўналиши бўйича бу йил бир ўринга ўртача 10 нафаргача йигит-қиз даъвогарлик қилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Университетда бу йил мобил алоқа тизими, ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик, сервис (ахборот сервис), сервис (электрон ва компьютер техникаси бўйича) сингари янги йўналишлар ташкил этилди.


Мактаб таълимининг ривожига берилаётган улкан эътибор ўқитувчилар, деканлар ва шарофли касбнинг янада кадр топиши, мавқеи мустаҳкамлашида муҳим омил бўлмоқда. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бу йил 2645 бакалаврлик жойига ҳар қанчидан анча кўп — 17 мингдан ортиқ абитуриентдан хужжат қабул қилиб олинди. Улар орасида тарих, психология, она тили ва адабиёт, математика, география, кимё, биология каби соҳаларга қизиқиш катта. Болалар спортини ривожлантиришга берилаётган алоҳида эътибор туфайли университетда жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, бошланғич таълим ва болалар спорти каби янги йўналишлар очилди.

— Юртимизда ўқитувчилик ҳамisha шарофли касб саналган, — дейди Қиррай туманидан келган

Ўқитувчи Муҳаббат Акромова. — Бу касб эгалари истиқлол йилларида янада юқори эъзоз ва эътиборга сазовор бўлмоқда. Шунинг учун муаллим бўлишни истовчи ёшлар сони тобора ортмоқда. Улардан бири — қизим Лола. У ўқитувчиликнинг машаққатли масъулияти, шарофтини яхши ҳис қилади. Шу боис педунiversitetнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетида хужжат топшириб, бугун тест синовларидан ўтди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51 минг 604 нафар этиб белгиланган. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бу йил мамлакатимиз олий таълим даргоҳларига ёшлардан жами 314 минг ариза тушган. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир. Омад эса энг билимли ва иқтидорли ёшларга қулиб боқади.

**Назозат УСМОНОВА,**  
ЎЗА муҳбири,  
Муҳаммад АМИН  
олган суратлар.



**Бу китобни ўқинг**

Таниқли адабиётшунос олим Шерали Турдиев «Улар Германияда ўқиган эдилар» деб аталган янги китобини ўқувчилар ҳўкимига ҳавола этди.

**ОЛИМНИНГ САВОБАИ МЕХНАТИ**

Маълумки, ўтган асрнинг 20-йилларида 70 дан кўпроқ туркистонлик истеъдодли ёшлар Германияга ўқишга юборилган эди. Уларнинг орасида ўзбекистонлик ёшлар салмоқли миқдорни ташкил этган. Бу — ниҳоятда олижаноб ниятда амалга оширилган тадбир эди. Негаки, илм-фан ва халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида замонавий билим ва мутахассисликларга эга ёшларнинг етиштириб чиқиши мамлакатимиз, халқимиз ривожига самарали, ижобий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Афсуски, Ўзбекистоннинг мустақиллик тарихида қилинган манфаатдор бўлган мустақил шўро давлати дастлаб бу ёшларнинг хорижда бошлаган таълимларини тугалласан, орта қайтишларини талаб этди. Ҳўшин битириб қайтган ёшлар эса Германиянинг жосуслари ва аксилниқлобчи-миллатчи унсурлар сифатида 1937-38 йилларда қамоққа олиниб, ўлимга ҳўкм этилди. Бу

ёшларнинг жожиали қисмати Германияда туриб эшитган бир ғруҳ шериклари Туркияда ва бошқа давлатларда бошпана топиб, қолиб кетдилар ҳамда ватандан жудолик изтиробларини бошдан кечирдилар...

Шерали Турдиев узоқ йиллардан бўён шўро катаронининг қурбонига айланган ёки унинг дастидан она-Ватанда яшаш ҳамда унга хизмат қилишдек бахтдан бенавис бўлган ана шу ёшларнинг жожиали тақдирини ўрганиб келади. «Улар Германияда ўқиган эдилар» китоби шу катта савобли меҳнатнинг мевасидир.

Бу китоб ҳаётда эрта завол топган, пок ва ёруғ умидлари, қисматлари мустақиллик зарбасига учраб чилпарнин бўлган ватандошларимизга атаб, мустақиллик даврида ёқилган хотира ва қадр-қиммат чироқларидан биридир.

**М.САФАРОВ.**

**Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!**

**«ПАХТАБАНК» ФАРОВОЯЛИГИНИЗ КАЛИТИДИР!**

**ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ**

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибутор **AVTODOM PLUS**

**АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА**

<p><b>ГАЗ-31105, «ВОЛГА»</b></p>	<p><b>ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли</b></p>	<p><b>ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли</b></p>	<p><b>700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.</b> Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz</p>
<p><b>ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли</b></p>	<p><b>ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи</b></p>	<p><b>ГАЗ-3309 Турбодизель, юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли</b></p>	

**ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонар, юк кўтариши — 0,8 тн., 1,5-4,5 тн. юк кўтаредиган юк машиналари.

**ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

**ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ:** «Волга», «Газель», «Соболь».

**ЮК МАШИНАЛАРИ:** озиқ-овқат, санат моллари ва нон ташийдиган, изостерик, вакуумли асванизаторлар, автогазқўтарғичлар, автоустахоналар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоавакаторлар.

**АВТОЦИСТЕРНАЛАР:** сўт ташийдиган, ёниқли ташийдиган, самосваллар.

**Ширкат ва фермер ҳўжаликларни раҳбарлари диққатига!**

**«ЎЗАГРОМАШСЕРВИС» УЮШМАСИ ТИЗИМИДАГИ «АГРОТАЪМИНОТ-БС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Ўз омборидаги мавжуд Россиянинг Волгоград трактор заводида ишлаб чиқарилган ВТ-150 ДЕ ва Алтай трактор заводида ишлаб чиқарилган Т-4А.01 русумли занжирли ҳайдов тракторларини (омочи билан) таклиф қилади.

Тракторлар нарҳига 1 йил ёки 2000 мото/соат ишлаш мобайнида кафолатли таъмирлаш хизматлари киради.

**Маҳсулотлар сертификатланган.**

Мурожаат учун манзил: «Агротаминот-БС» ОАЖ. Тошкент ш., Ҳамза тумани, Жарқўрғон к., 43-уй. Тел.: 196-62-21. Факс: 194-51-44, 196-37-95.

**ОИТСГА ҚАРШИ ҚУРАШ БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ЛОЙИҲАСИ**

«ОИВ/ОИТС — касалланишнинг олдини олиш, даволаш ва беморларга қараш» мавзуси бўйича журналистика соҳасидаги энг яхши иш учун йиллик мукофот

Жаҳон банки ва Буюк Британиянинг халқаро ривожланиш агентлиги (DFID) томонидан молиялаштирилган ОИТСга қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий лойиҳаси журналистика соҳасида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари бўйича ОИВ/ОИТС муаммоларини энг яхши ёритиш борасида танлов эълон қилади.

Мавзулар бўйича тўлиқ ахборот [www.caar.info](http://www.caar.info) сайтида берилган.

**Мукофот жамғармаси 7050 АҚШ долларини ташкил этади.**

<b>Энг яхши мақолалар туркуми учун</b>	<b>Энг яхши телекўрсатувлар туркуми учун</b>
1-ўрин — 500 АҚШ доллари	1-ўрин — 800 АҚШ доллари
2-ўрин — 400 АҚШ доллари	2-ўрин — 600 АҚШ доллари
3-ўрин — 200 АҚШ доллари	3-ўрин — 400 АҚШ доллари

**Энг яхши аудиоэшиттиришлар туркуми учун**

1-ўрин — 300 АҚШ доллари	<b>Энг яхши туркум электрон материаллари учун</b>
2-ўрин — 200 АҚШ доллари	1-ўрин — 200 АҚШ доллари
3-ўрин — 100 АҚШ доллари	2-ўрин — 100 АҚШ доллари
	3-ўрин — 50 АҚШ доллари

Бундан ташқари ТВ, радио, газеталар тахририятлари, электрон оммавий ахборот воситаларига ОИВ/ОИТС долзарб муаммоларини йил бўйи мунтазам ва сифатли ёритишлари учун 200 дан 1500 АҚШ долларигача институционал грантлар ажратилади.

Қўриб, киши учун ҳажми А4 дан кичик бўлмаган мақолалар, телекўрсатув ва аудиоэшиттиришлар ўзбек ва рус тилларида қабул қилинади.

Тўларилган бўётманома, босма ОАВ ва Интернет сайтларда чоп этилган мақолалар, телекўрсатув ёзилган видеокассета, аудиоэшиттириш ёзилган аудиокассеталар устига «ОАВ танловига» деб ёзилган конвертга солиб, елимланган ҳолда 2006 йил 21 ноябрь соат 17.00 гача куйдаги манзилга топширилади:

Тошкент ш., Фарҳод к., 12, Республика ОИТС маркази биноси, тел.: (99871) 366-93-25, Ўзбекистон бўйича миллий мувофиқлаштирувчи З. Қодирова

**«Қорақалпоқ адабиёти антологияси» турк тилида**

Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасида Туркияда нашрдан чиққан «Қорақалпоқ адабиёти антологияси»нинг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур китобдан қорақалпоқ халқ эпоси, фольклори, мумтоз ва ҳозирги замон адабиётининг энг юксак намуналари ўрин олган.

Тақдимотда Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қажрамоний Тўлепбергөн Қайипбергенов, Қорақалпоғистон халқ шoirиси Гулистон Мат-ёқубова, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдурахмонов, филология фанлари доктори, профессор Пирмат Шермухамедов ва бошқалар сўзга чиқиб, Туркиянинг Маданият ва сайёҳлик вазирлиги муассислигида турк тилида чоп этилган ушбу китоб ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

**UZBEK PRODUCTION**

**ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ**

Марказий Осиёдаги энг йirik пластмасса бочкалари ишлаб чиқарувчи.

Европа стандартлари. Ҳажми (155, 200, 220) литр, тор ва кенг бўлини.

Куйдагиларни сақлаш ва ташини учун муъалламанган:

- «Озиқ-овқат маҳсулотлари: (сўт, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт),
- «Агрессив моддалар: (кислоталар, ишқорлар, бўёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб шохўчаси, 12. Тел./факс: (99871) 152-56-01, 152-74-14. Сайт: [www.uzbp.uz](http://www.uzbp.uz) e-mail: [uzbp@mail.ru](mailto:uzbp@mail.ru), office@uzbp.uz

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Ғ — 1057. 20700 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терияли ва операторлар Жамшед Тоғиев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев. Навбатчи — С. Ҳайдаров. Мусаккаҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41, ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.40 23456